

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАРИХИЙ ОБРАЗИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КУЛОЛЧИЛИГИДА ЯРАТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

Нормуродов Абдукаҳҳор

ЎзФА Санъатшунослик институти ходими

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада санъатнинг бугунги кунда буюк алломаларимиз шахсига бўлган хурматни ифодалашда тутган бекиес ўрни ҳамда Она Табиат ва буюк табиб Абу Али ибн Сино тарихий образининг Ўзбекистон кулолчилигида яратилишининг долзарблиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: санъат, тарбия, Абу Али ибн Сино, Шариф Азимов, декоратив кулолчилик, она табиат.

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещаются роль искусств в выражении уважения к личности наших великих ученых и актуальности создания творческой работы Природа и Абу Али ибн Сино в керамике Узбекистана.

Ключевые слова: искусство, воспитание, Абу Али ибн Сино, Шариф Азимов, декоративная керамика, природа.

ABSTRACT

This article highlights the role of art in expressing respect for the personality of our great scientists and the relevance of the creation of the creative work Nature and Abu Ali ibn Sina in the ceramics of Uzbekistan.

Keywords: fine art, training, Abu Ali ibn Sino, Sharif Azimov, decorative ceramics, nature.

Ўзбекистон кулолчилик санъатининг энг бой меросини сақлаб қолган маскан ҳисобланади, чунки замонавий анъанавий ва ноанъанавий кулолчилик санъати (XIX асрда тарихан шаклланган) вакилларида маҳаллий маданиятнинг тарихий қатламларига қизиқишлари кузатилмоқда. Ўзбекистонда қадимдан ҳар воҳанинг хунармандчилик марказлари вужудга келиб шаклланган. Ишлаб чиқариш услуби бўйича кулолчилик иккита асосий турларга бўлинган – сирланган ва сирланмаган. Сирланмаган кулолчилик қадим тарихга эга. VIII аср охири – IX аср бошида Мовароуннахр шаҳарларида сирланган кулоллик кенг

тарқалган. IX-XVIII асрларда ушбу услуб бадиий камолликка ва юқори технологик сифатга эга бўлди.

XX асрдан ҳозирги Ўзбекистон худудларида асосий мактаблар ва марказлар ташкил топди: а) Самарқанд-Бухоро мактаби, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Бухоро, Гиждувон, Шаҳрисабз, Китоб, Каттакўрғон, Денов марказлари билан; б) Фарғона мактаби Риштон ва Ғурумсарой марказлари билан; в) Хоразм мактаби Хонқа, Модир қишлоғи, Каттабоғ, Чимбой марказлари билан. Ҳар бир марказ ўзига хос маҳаллий хусусиятларини сақлаган. Уларда ҳозирги вақтда сопол идишларнинг ясси (косалар, лаганлар), баланд, яъни юқорига қараб йўналтирилган (кўзалар, хумлар) турлари ва уй-рўзғор буюмлар ишлаб чиқарилмоқда¹.

Шу билан бир қаторда, ўзбек хунармандларининг изланишлари ҳамда янгилик яратишга бўлган иштиёқлари туфайли бугунги кунда ноананавий, декоратив характердаги кулолчилик асарлари юзага келмоқда. Буларга мисол қилиб, асосан мамлакатимиз сўлим кўча ва боғларини безашга мўлжалланган декоратив кулолчилик махсулотларини келтириш мумкун. Ушбу ёналишда ижод қилувчи усталар кам учраса-да, Умар Журақулов шогирди самарқандлик уста Шариф Азимов ижодида асосан сирланмаган, кўрғазмали ва сувенир вазифасини бажарувчи ўйиб ишланган нақшлар тушурилган катта ҳажмдаги декоратив хумлар ва кўзалар учрайди².

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни сақлаш ва улар бизга қолдирган меросни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга бекам-у кўст етказиб бериш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ва қилинган ишларнинг давоми сифатида “Ўзбекистон кулолчилигида тарихий шахслар талқинининг бадиий хусусиятлари” диссертация мавзуси яратилиш техникаси ва ғоявий жихатдан бугунги кун ўзбек кулолчилики санъатида долзарб мавзу ҳисобланади. Зеро, аждодларга бўлган ҳурмат бизнинг келажак авлод ёшларимиз тарбиясини белгилаб берувчи бирламчи омилдир.

Бугунги кунда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон замини нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

¹<http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-5/458-kulolchilik>

²Ақбар Ҳакимов.//Прикладное искусство Узбекистана:традиции и инновации. UNESCO 2013.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тарихчилар олдида юртимиз тарихини илмий асосда холисона ўрганиш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунда долзарб муаммолардан бири сифатида - ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш ва уни янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш керак эди.

Маълумки, IX-XII асрларда Ўрта Осиёда юз берган Уйғониш даврида дунё илм аҳли орасида маълуму машҳур бўлган сиймолардан бири қомусий олим Абу Али ибн Сино яшаб ижод қилди. Бу аллома нафақат ўз замонасининг, балки келажакнинг ҳам буюк мутафаккири сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олди. У яратган тиббиёт, фалсафа, астрономия, адабиёт, тарих ва илоҳиётга оид ўнлаб асарларда ундан олдин яшаб ижод этган алломаларнинг илму ирфон маҳсуллари нафақат бойитилди, балки янгича талқинда, янги илмий ютуқлар қўшилган ҳолда келгуси авлодга мерос қолдирилди. Шу боис ҳам Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, шунингдек, унинг бебаҳо илмий мероси шу кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай, нафақат Ватани - Ўрта Осиёда, балки бутун дунё илм аҳли орасида ўқиб-ўрганилиб, кадр ва эъзоз топиб келмоқда¹. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб бу мавзунинг ўрганиш зарурати юзага келди. Мавзунинг долзарблигига ҳам шу билан билан белгиланади.

Қомусий олим Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда унинг илмий мероси асосий манба ҳисобланади. Маълумки, олимнинг мероси 450 дан ортиқ асарларни ташкил этади. Бу асардан 242 таси бизгача етаб келди. Ундан қолган бой мерос Шарқ ва Ғарб маданияти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг асарлари XII асрдан латин тилига таржима қилиниб, Европа университетларида ўқитилди. Ибн Сино қаламига мансуб асарларининг фалсафий, бадиий, тиббий ва бошқалари хорижда ва юртимизда нашр этилди¹. Мавзу бўйича мавжуд бўлган кўплаб манба ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, буюк табиб, таниқли файласуф олим ва шоир Ибн Синонинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий фаолияти совет давридан бошлаб тадқиқ қилина бошланган. Айниқса, XX асрнинг 80 йилларида олимнинг илмий меросини ўрганишга қизиқиш билан катта эътибор берилган. Бу даврда мавзуга оид кўплаб адабиётлар, мақолалар ва бошқалар манбалар нашр этилади.

¹Ибн Сино. Тайр қиссаси. Фалсафий қиссалар. –Т.: 1963;

А. Қодиров 1953 – 1962 йилларда «Абу Али ибн Сино» номли китобларини чоп этди¹. У асарлари олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотларни тўлдирибгина қолмай, у ҳақида илгари баён қилинган баъзи фикрларга кўпгина аниқликлар ҳам киритилиб, Ибн Синонинг турли фикр ва қарашлари ўз аксини топган.

Абу Али ибн Синонинг портретини ва унинг таржимаи холи ўрганишда У.И. Каримовнинг масъул муҳаррирлигида нашр этилган адабиётларни айтиш лозим²

Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолиятини, ўнинг илмий меросини ўрганиш борасида мустақиллик йилларида ҳам муҳим изланишлар амалга оширилиб, кўплаб асарлар, рисола ва илмий мақолалар чоп этилди³. Масалан, А. Отахўжаевнинг рисоласида машҳур алломанинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўз боради. Унинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий фаолияти рисолада ишончли манбалар асосида қизиқарли, содда тарзда ёритилган. Шу билан бирга бир неча адабиётларда олимнинг ҳаёт йўли ва ижоди қисқача маълумотлар билан берилди³.

Санъатнинг тарбиядаги миқёсли ва муҳим роли шундаки, у одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади, бундай таъсир оқибатида идрок этувчида руҳий эврилишларни вужудга келтиради. Санъат асарини мунтазам идрок этиш орқали инсон бу дунёда мўъжиза борлигига ишониб яшай бошлайди. Бир сўз билан айтганда, санъат руҳни янгилаш қудратига эга. Айни пайтда бу руҳ гўзал ва улуғвор бўлгани боис ниманидир ёқлайди, хунук ва тубанлиги учун ниманидир инкор этади. Ана шу жараёнда санъатнинг инсонни ғоявий жиҳатда тарбиялаши рўй беради: санъат ўзини эстетик завқ билан идрок этаётган индивиддан ғоя ва идеал хизматига бел боғлаган шахсни яратади⁴. Шу сабабли, буюк аллома хайоти ва ижодий фаолиятини ва унинг ҳаёти ижодига бағишланган асарларни ўрганиб чиққан ҳолда ўзбек кулолчилигининг янги юзага чиқаётган йўналишида Абу Али ибн Сино тарихий образини Она Табиат билан боғлиқликда яратиш буюк табиб шахсини очиб беришда енг муҳим вазифадир. Бунда, тўкин-сочинлик, мўл-кшлчиликрамзи бўлган буқа – Она

¹Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: Ўздавнашр, 1953; Ўша муаллиф. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри. –Т.: Ўздавмеднашр, 1962

²Ибн Сино портрети / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1957; Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980.

³Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ, Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. / -Т.: Шарқ, 2005; Гадоев К. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар: Буюк географ тадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳақида. –Т.: Ўзбекистон, 2011; Дунё. Сиёсат. Жамият (Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр). –Гулистон: Зиё, 2014. –Б.77

⁴Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино нашриёти, 2000.

табиат тисолида гавдаланади. Зеро, Абу Али ибн Сино инсонларни дардига шифо излар экан Она табиат неъматларидан оқилона фойдаланишга ва улардан беморлар дардига шифо топишга ҳаракат қилганлар . Шу сабабли, ушбу яратилаётган кулолчилик намунаси аллома ижодининг бугунгача ва бундан кейин ўрганилишида амалий иш бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-5/458-kulolchilik>
2. Акбар Хақимов.//Прикладное искусство Узбекистана:традиции и инновации. UNESCO 2013.
3. Ибн Сино. Тайр қиссаси. Фалсафий қиссалар. –Т.: 1963;
4. Қодиров А. Абу Али ибн Сино. –Т.: Ўздавнашр, 1953; Ўша муаллиф. Абу Али ибн Сино. Қайта ишланган 2-нашри. –Т.: Ўздавмеднашр, 1962
5. Ибн Сино портрети / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1957; Абу Али ибн Сино таржимаи холи / Масъул муҳаррир У.И. Каримов. –Т.: Фан, 1980.
6. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислоҳ маданияти. Қисқача маълумотнома / Масъулмуҳаррир Н. Иброҳимов. / -Т.: Шарқ, 2005; Гадоев К. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар: Буюқ географтадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 2011; Дунё. Сиёсат. Жамият (Қайта ишланган ватўлдирилган бешинчи нашр). –Гулистон: Зиё, 2014. –Б.77
7. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино нашриёти, 2000.